



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 6-novabr, chorshanba № 46 (850) * 1996-yil dekabrdan chiqsa boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

ҲАМ САЁХАТ, ҲАМ ТАЖРИБА

Гурухимизни мамлакатнинг нуфузли нашрларидан бири бўлмиш "THE KOREA TIMES" газетаси таҳриринда қабул қилдилар. Биз Корейс ҳамкасларимиз иш шароити, мухбир, мухаррир маъоми, ахборот олиш, кўйта ишлаш, тарқатириш борасидаги қонунчилик, таҳририят ҳамда муассис, таҳририят ва ижодий ходим ўртасидаги шартнома шартлари билан танишдик. Узимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдик.



⇒ 4-бет

ДЎППИНИ ОЛИБ ҚЎЙИБ ФИКРЛАСАК...


Халқимизда ажойиб ибора бор: "Дўпини олиб қўйиб фикрланг". Бу нима дегани? Бирор мавзу хусусида гаплашадиган бўлса, унинг ҳамма жиҳатларини, посту баландини хисобга олайлик, шошма-шошарликка йўл қўймайлик, холис турайлик, дегани. Адолат тарозисига таянилик, инсоф ва дненат чегарасидан чиқмайлик, дегани.



⇒ 6-бет

НАВОИЙ ХАТТОЛЛАРИ

Кўпчилик китоб, газеталарни нашр этиб тарқтиш тарихи ҳақида гап кетганида асосан Европада соҳага оид босма техника воситалари кашф этилган даврдан мисоллар келтириш билан чегараланишиди. Соҳа тарихига чуқурроқ назар ташласонгиз, қадим шарқда беҳад камол топган санъатлардан бири хатотлик бўлгани ва ўша даврлардан бошлоб, матнларни кўчириш, кўлайтириш ва тарқатиш усуслари кўлланганига гуво бўлишимиз мумкин.



⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

* Мамлакатимизга ташриф буюрган Венгрия Республикаси Миллӣ мажлиси раиси Ласко Кёвер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида учрашувлар ўтказди. Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўтасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашиди.

* 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон чемпионатларда юқори натижаларга эришган спортчиларни мукофотлаш тўғрисида" ги Фармони матбуотда ўзлон қилинди.

* Пойтахтимиздаги "Олимпия шоншуҳрати" музейида яқинда Польшанинг Вроцлав шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида муносаб иштирок этган спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

* 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарайда Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси, XКП МҚ Сиёсий бюроси аъзоси Мэн Цзянчжуни қабул қилиди. Ушбу қўмита ҳамда унинг таркибидаги еттига қўмитанинг мажлислирда савдо-иқтисодий ва инвестициявий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ҳамкорлик, шунингдек, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ҳамда молиявий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бошбайни аниқ тақлифлар ишлаб чиқилиди.

* 1 ноябрь куни "Тошкент – Марказий" темир ўйл вокзалига нафбатдаги "O'ZEL" туркумига киривчи 4 та янги юк электровози келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги олдидан



H.Haydarov oigan surʼat

АДОЛАТЛИ МЕЗОНЛАР

Kўпмиллатли ҳалқимизнинг ҳоҳиширодаси ва эзгу ниятларини ўзида мужассамлаштирган, тенглик, эркинлик, миллатлараро тинч-тотувлик каби умуминсоний қадриятларга асосланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларимиз тенглиги, тили, дини, урф-одатлари ҳамда миллий қадриятлари гарови сифатида жамият тараққиётiga хизмат қилиб келмоқда.

Ҳалқимиз ўз мустакиллигини кўлга киритгач, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигидаги миллий ривожланиш ва ижтимоий таракқиёт йўлуни аниқ-равшан белгилаб олди. Конституциямизда мамлакатимизда демократик таракқиётни таъминлаш, бу йўлда событидадамлик билан олга интилиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришининг асосий принциплари ўз аксими топди.

Асосий қонумизда инсонни улуглаш, унинг манфаатларини, ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя килиш, эмин-эркин, тинч-тотув ҳаёти, фаронов турмуш тарзи учун зарур бўлган барча шартшароитларни яратиб беришдек вазифалар ўз аксими топгани, айниқса, ётиборлидир. Айни чоғда, бу мумхин ҳужжат янгидан бунёд этилаётган эркин, очик жамиятимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғуллигини намоён этмоқда.

3 ►

Жамоатчилик кенгаси фаолиятидан

Юксак маънавият ва руҳий бирдамлик сари

Kўшнимиз ҳарбий. Унинг салобати, жiddийлиги, энгина ярашган ҳарбий либоси ва фуражкаси маҳалламиз болаларидан анчасини шу соҳага етаклаганди. У оиласи даврасига қайтгач, бутунлай бошқа одамга айланиб қоларди: болалари билан тўйиб ўйнайдиган, ҳазилкаш ва меҳрибон ота...

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 октябрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаси тинчлик посонларининг турмуш тарзига, чин маънода кириб борди.

Куни кечга Ўзбекистон Миллӣ матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хузурида Жамоатчилик кенгаси раиси Ибрагим Мирзаалиев ташкил фаолиятига доир ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирад экан, мазкур кенгашнинг ташкил этилиши соҳада фуқаролик назоратини олиб бориши, очиқлик ва ошкораликни таъминлашда

ОБУНА – 2014

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштариylар! "HURRIYAT" газетаси – маънавиятимизни янада бойитишида, ижтимоий фаоллигимизни ошириши, жамиятни демократлаштириш, ҳалқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳататлик билан бажарабётган хайрли ишларнинг фаол тарбиботчисидир. 2014 йил учун обуна бошланди. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда колмана! Обуна бўлинг!

Эслатиб ўтамиш: "HURRIYAT"ning нашр индекси – 233

HURRIYAT ГАЗЕТАСИ
СИЗНИНГ ДОИМИЙ
ҲАМРОҲИНГИЗ
БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

3 ►

Парламент почтасидан

Назорат ва таҳлил

Kонун устувор жамиятда тинчлик, таракқиёт таъминланади. Ҳар бир қонун эса албатта, инсон омилига хизмат килиши, унинг тинч-осудига, фаронов ҳаёт кечириши учун замин яратиши шарт. Юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ишлар, хусусан, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларининг барчаси инсон манфаатларига хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлиди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Сенат аъзолари муҳокамасига юборилётган қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун ойлар, байзан йиллар талаб этилади. Улар дастлаб фракцияларда, умумий юғилишларда, биринчи ва иккинчи ўқиши жараённи батасига мухокама килиниб, барча фикрлар умумлаштирилгандан кейинги Сенатга юборилади.

Яқинда шу масалага багишланган юғилишида сўзга чиккан Палата Ахборот хизмати раҳбари Олиймизон Умаров оммавий ахборот воситалари томонидан Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенат

он-лайн танловининг якунлари бўйича йигилганларга бағасил маълумотлар берилди.

— «Парламент билимдони» он-лайн танлови иккинчи марта ўтказилмоқда, — дейди Парламент Ахборот хизмати ходими Намоз Толипов. — Ўтган йилги мазкур танловда 4 мингдан зиёд йигит-қизлар иштирик этган бўлса, бу йил уларнинг сони олини мингга яқинлаши. Иштирокчиларнинг аксариётини мактаб, лицей ва коллек ўқувчилири ташкил этиётганлиги, ёшларнинг парламент фаолиятига, Қонунчиликда бўлаётган ўзгаришларга бефарз эмасликлари кўрсатади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва сиёсий партия кенгашлари ҳамкорлигига ўтказилаётган бу йилги танлови голибари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганинг 21 йиллиги арафасида ўзлон қилинади.

Жоғир Ҳўжақулов, «Нуттият» мухабби

Анжуман

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси

Яқинда Ички ишлар вазирлиги маданият саройида «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси — ички ишлар органлари фаолиятининг муҳим йўналиши: миллий ва ҳалқаро тажриба» мавзуда ҳалқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда таъкидлаб ўтилганидек, қонун устуворлигини мустахкамлаш, шахс ҳукуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишга каратилган суд-ҳуқук тизимини изчили демократлаширишни вибераллаштириш мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишиаридан бирни хисобланади.

Таъкидлаш ўринники, мустақиллик дастлабки йилларидан ишлохтарининг мазкур йўналишига алоҳида ётибор каратилиб, кейинги ўй йиллида бу борадаги ишларнинг миёсси ва самараордиги янги босқичга кўтарилиди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумлашсан декларацияси» кабул қилинганинг 60 йилингага багишланган тадбирлар дастури тўғрисидаги фармони талабларидан келиб чиқиб, Ички ишлар вазирлиги таркибида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Ички ишлар идоралари бўлинмалари фуқароларнинг ҳуқуқларига риою қилиш комиссиялари ўз фаолиятини бошлади. Табиийки, ушбу чора-тадбирлар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат кўлмоқда.

Анжумандан Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик қилиб келаётган хорижий давлатлар вакиллари, жумладан, Европа делегацияси раҳбари Ю.Штерк, Европа Иттифоқининг Ўзбекистонда суд-ҳуқук ишлохтарига кўмаклашиш» лойихаси раҳбари И.Риш, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Д.Сабо ва бошқа ташкилот, жамғармалардан вакиллар иштирок этди.

Шунингдек, тадбирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Конуничилик ва суд-ҳуқук масалалари бўйича кўмита раиси С.Ортикова, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С.Рашитова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамда қатор вазирлик ва давлат органлари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза кўлувчи органлар, олий тавлими мусассалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буордилар.

Тадбирда ички ишлар органлари фаолиятини тартибида солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни фуқароларнинг ҳукуқи ва эркинларни соҳасидаги ҳалқаро мөъёлларга ўйнинглаштириш, шу мақсадда ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари ҳам мурҳкамма қилинди. Айтиш керакки, анжуман меҳмонлари Ўзбекистонда суд-ҳуқук тизимини демократлашириш ва либераллаштириш борасида эришилётган ютуқларга, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида қилинётган ишларга юксак баҳо бердилар.

